



## IMPORTANT ASPECTS OF THE ADOPTION OF THE ANNUAL SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT PROGRAM AND LOCAL BUDGET PARAMETERS

Umida Bakhtiyorovna Imanova<sup>1</sup>

*Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

### KEYWORDS

sustainable development, local economy, social infrastructure, economic growth, budget parameters, financial resources, tax revenues, public engagement and cooperation, investment climate, population well-being, job creation, regional development, financial stability, strategic planning, intercoordination, government subsidies, special programs, international cooperation, proper financing, ensuring public participation.

### ABSTRACT

The adoption of the annual socio-economic development program and local budget parameters plays a crucial role in ensuring the sustainable and long-term development of a region. This process involves the development of various strategies aimed at advancing the local economy, improving social infrastructure, and enhancing the well-being of the population. These strategies are aligned with the approved budget parameters. The process is a key factor in enabling local authorities to make informed decisions regarding economic stability and the creation of new job opportunities.

2181-2675/© 2024 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: [10.5281/zenodo.15290419](https://doi.org/10.5281/zenodo.15290419)

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

<sup>1</sup> Associate Professor at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan

# ИЖТИМОЙ -ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛЛИК ДАСТУРИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИНИ БИЛАН БИРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИННИГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ

KALIT SO'ZLAR/  
КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

барқарор ривожланиш,  
маҳаллий иқтисодиёт,  
ижтимоий инфратузилма,  
иқтисодий ўсиш, бюджет  
параметрлари, молиявий  
манбалар, солиқ  
тушумлари, жамоатчилик  
ва ҳамкорлик,  
инвестициявий муҳит,  
аҳоли фаровонлиги, иш  
ўринларини яратиш,  
ҳудий ривожланиш,  
молиявий барқарорлик  
стратегик режалаштириш,  
Ўзаро ўйғунлаштириш,  
давлат сусидиялари,  
максус дастурлар, ҳалқаро  
ҳамкорлик, тӯғри  
молиялаштириш,  
жамоатчиликни  
ишитирокини таъминлаш.

## ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

ижтимоий иқтисодий ривожлантириш йиллик дастури ва маҳаллий бюджет параметрларининг қабул қилиниши ҳудуднинг барқарор ва узоқ муддатли ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда маҳаллий иқтисодиётни янада тарақкий этирриш, ижтимоий инфратузилмани ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида турли стратегиялар ишлаб чиқилади. Бюджет параметрлар билан ўзаро ўйғунлаштирилади. Ушбу процесс маҳаллий ҳокимияторгандарининг иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича қарорларни қабул қилишда муҳим омилdir.

## *Кириш*

Ҳар бир ҳудуднинг барқарор тараққиёти ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаравонлигини ошириш мақсадида йиллик ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилади.

Бу дастурлар маҳаллий бюджет параметрлари билан биргаликда қабул қилиниши ҳудудларнинг аниқ мақсадлар асосида ривожланиши таъминлашга хизмат қиласди.

Ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастурлари ҳудудий иқтисодиёт, инвестициявий муҳит, ижтимоий инфратузилма ҳамда аҳолининг турмуш даражасинияхшилашни кўзда тутади. Ушбу хужжат маҳаллий ҳокимияторгандар, иқтисодий ва молиявий мутахассислар ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади ватасдиқланади.

Маҳаллий бюджет параметрлари эса ҳудуднинг иқтисодий имкониятлари ва жорий устуворликларни ҳисобга олган ҳолда шакиллантирилади. Бу жараён солиқ тушумлари давлат субсидиялари, инвестициялар ва бошқа молиявий манбалар таҳлил қилинади. Дастур ва бюджет ўзаро ўйғунлаштирилган ҳолда қабул қилиниши

худудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларни яратиш ҳамда аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва маҳаллий бюджет параметрларини биргаликда қабул қилиш худудларнинг узоқ муддатли ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган асосий механизимлардан бири ҳисобланади.

Ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва маҳаллий бюджет параметрлари бўйича ўтказилган илмий тадқиқотларва амалий ишлар мамлакат иқтисодиётини бошқариш тизимининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида маҳаллий бюджетларини шакиллантириш, қабул қилиш ва ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари- ҳар йили ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш дастурларини тасдиқлаш тартиби ва унинг устувор йўналишларини белгидаб беради.

### **Адабиётлар шарҳи**

Тожибоев. Ш, Норов.А, Абдурахмонов. Қ “Иқтисодиёт давлат томонидан томонидан тартибга солиш” – китобида давлат бошқарувида маҳаллий бюджетнинг ўрни, ижтимоий дастурларни режалаштириш ва молиялаштириш усуллари ёритилган.

Абдуллаева. Д “Маҳаллий бюджетларини шакллантириш ва бошқаришда замонавий ёндашувлар” – маҳаллий бюджет параметрларини белгилаш, уларни ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш дастурлари билан уйғунлаштириш масалалари билан уйғунлаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Молия вазирлигининг методик қўлланмалари -маҳаллий бюджет параметрларини ҳисоблаш, прогноз қилиш тартиблари тушунтирилган.

Давлат статистика қўмитасининг таҳлилий материаллари – ижтимоий -иқтисодий кўрсаткичларининг ривожланиш динамикасини таҳлили қилиш учун манба сифатида фойдаланилади.

Халқаро Валюта Жамғармаси ( IMF), Жаҳон Банки (WB) материаллари маҳаллий бюджетлаштириш ва стратегик ривожлантириш дастурлари бўйича халқаро тажриба ва тавсиялар берилган.

UNDP ( Тараққиёт дастур) лойиҳалари доирасида ишлаб чиқилган ҳисоботлар ва тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва маҳаллий бюджет параметрларини қабул қилиш жараёни мамлакат ва худудлар тараққиётида муҳим ўрин тутади. Адабиётлар шарҳидан қўриниб турибдики бу йўналишда ҳуқуқий асослар, илмий назарий ёндашувлар ва халқаро тажрибалар асосий манбалар ҳисобланади.

Кейинги босқичда ушбу адабиётларга таяниб, тадқиқотда маҳаллий бюджетни

самарали шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни режалаштириш ва уларни ижро қилишнинг методик жиҳатлари ўрганилади.

### **Метадология**

Ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш йиллик дастури – бу худуд ёки мамлакат миқёсида белгиланган иқтисодий ўсиш, инфратузилмани яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, иш ўринларини яратиш ва инновацион ривожланишга йўналтирилган аниқ мақсад ва вазифлар мажмуасидир.

Маҳаллий бюджет параметрлари- бу вилоят, туман, шаҳар миқёсида амалга ошириладиган харажатлар ва даромадларнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, улар орқали ресурслар тақсимоти ва молиявий тизим самарадорлиги таъминланади.



**1- расм. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллик дастурининг мақсад ва вазифалари<sup>2</sup>**

Аҳамиятли жиҳатлари ҳар бир худуднинг эҳтиёжларини аниқлаш ва уларга мос равища ресурсларни йўналтириш имконин беради. Инфратузилмани яхшилаш ( йўллар, таълим муассасалари, шифохоналар қурулиши ва таъмири) умумий миққиёсида худудларни ривожлантиришни таъминлайди.


Ижтимоий сиёsatни молиялаштириш орқали камбағалликни камайтириш, аҳолини қўллаб – қувватлаш чоралари қабул қилинади. Бандликни ошириш ва янги иш ўринларини яратиш учун зарур лойиҳалар молиялаштиради бу чора тадбирлар аҳоли фаровонликни оширади.

Дастур ва бюджет параметрларининг расман қабул қилиниши орқали давлат фаолиятида аниқлик ва жамоатчилик назоратини таъминлайди.

Дастурнинг мавжудлиги ва аниқ молиявий параметрлар маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этишда муҳим омил ҳисобланади.

Молиявий маблағлар айнан самара берадиган муҳим соҳаларга йўналтирилади.

<sup>2</sup> Маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тузилди.




**2- расм. Ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш йиллик дастури ва маҳаллий бюджет параметрлари билан қабул қилинишининг аҳамиятли жиҳатлари<sup>3</sup>**

Ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастури ва маҳаллий бюджет параметрларининг қабул қилиниши мамлакат ёки ҳудуд ривожи учун стратегик аҳамиятга эга. Бу жараён орқали давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолиятини самарали, ҳисобдор ва аниқ режалар аосида ташкил этиши мумкин.

Маҳаллий ҳокимиятлар, давлат органлари ва мутахассислар учун асосланган, аниқ ва баҳоланадиган инструмент сифатида хизмат қиласи. Тадқиқот, режалаштириш, молиялаштириш ва мониторинг жараёнларини яхшилашда ёрдам беради.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг йиллик дастури ва маҳаллий бюджет параметрларининг биргаликда қабул қилиниши иқтисодий барқарорлик, ижтимоий фаровонлик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун мұхим мезон ҳисобланади. Бу методология дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида жамиятнинг эҳтиёжларини, молиявий имкониятларни, ҳамда ҳудудий имкониятларни ҳамдүстлиқда ҳисобга олишни таъминлаш учун зарур бўлган ёндашувларни шакллантиради.

<sup>3</sup> Маълумотлар аосида тадқиқотчи томонидан тузилди.



**З расм. Ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш йиллик дастури ва  
маҳаллий бюджет параметрлари билан қабул қилинишининг метадологик  
усуллари<sup>4</sup>**


**Маҳаллий бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларни тақсимлаш усуллари ва воситалари.** Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуидаги йўллар билан қайта тақсимланади:

1. Умумдавлат солиқлари ва тушумларидан маҳаллий бюджетларга ўрнатилган меъёрлар асосида ажратмалар қилиш;
2. Юқори бюджетдан қуи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенцияларини бериш;
3. Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан қуи бюджетга, шунингдек, қуи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш;
4. Бюджет ссудаларини ажратиш

1- чизма<sup>5</sup>

<sup>4</sup> Маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тузилди.

<sup>5</sup> Маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тузилди.



Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қорақолпоғистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш усун қуи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадаларини Республика бюджетига ўтказиши мумкин.

### **Натижалар**

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йиллик дастури ва маҳаллий бюджет параметрларининг биргаликда қабул қилиниши натижасида маҳаллий иқтисодиётнинг ўсиши таъминланади. Бунинг учун, ҳудудий иқтисодий салоҳиятни тўлиқ ишга солиш ва ишлаб чиқариш соҳаларини янги имкониятлар билан таъминлаш керак. Ишсизликни камайтириш ва бандлик даражасини оширишга ёрдам берувчи лойиҳалар амалга оширилади. Ижтимоий барқарорлик ва пул айланишини таъминлаш учун молиявий манбалар тўғри тақсимланади. Давлат ва маҳаллий органлар орасидаги тўғри ҳамоҳанглик натижасига эришилади. Соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар ва ижтимоий ёрдамлар соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг самарадорлиги ошади. Фуқароларнинг фаровонлигини оширишга йўналтирилган ижтимоий дастурларининг амалга ошиши таъминланади. Ахолининг ижтимоий хавфсизлиги ва техник инфратузилманинг яхшиланишига олиб келади.

Дастурларнинг маҳаллий бюджет параметрлари билан уйғунлаштирилиши натижасида: Молиявий ахборот ва шаффоффлик ошади, бу эса давлат органларига

ишенчни кучайтиради. Давлат маблағларининг самарали тақсимланиши таъминланади, натижада иқтисодий ислоҳотларнинг барқарорлигини таъминлайди. Маҳаллий ҳокимият ва аҳоли орасидаги муносабатлар мустаҳкамланади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган дастурлар ва бюджет параметрларнинг маҳаллий бюджет параметрлари билан биргаликда қабул қилиниши, инвестиция муҳитини яхшилашга ва хусусий секторни қўллаб-куватлашга ёрдам беради. Ишлаб чиқариш ва инновацион лойиҳалар учун имкониятларни кенгайтиришга олиб келади. Янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қиласди.

Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун Экологик муаммоларга алоҳида эътибор берилади ва уларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилади. Экологик самарадорликни ошириш ва климат ўзгаришларига қарши курашишда муҳим қадамлар қўйилади. Энергия самарадорлиги ва сув ресурсларини тежашга қаратилган дастурлар ташкил этилади.

Дастур ва бюджет параметрлари орқали Ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш ва қонунлар тадбиқини таъминлашга қаратилган янги механизмлар ишга туширилади. Ижро этувчи органлар фаолиятини янги давр талабларига мослаштиришга ёрдам берилади. Давлат хизматларининг сифатини оширишга қаратилган чоралар амалга оширилади.

Маҳаллий иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий дастурлар аҳаллий даражадаги тараққиётга таъсир этувчи муҳим омилларга айланади. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик ривожланади ва амалга оширилади.

### **Хулоса**

Хулоса қидиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллик дастури ва маҳаллий бюджет параметрларининг биргаликда қабул қилиниши иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён, айниқса, давлат органлари ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасидаги мувофиқлаштиришни таъминлашга ёрдам беради, натижада ҳар бир ҳудуднинг ўз эҳтиёжларига мос равишда ресурслар тақсимланади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва маҳаллий бюджет параметрларини биргаликда қабул қилиш натижасида мамлакат ва ҳудудлардаги иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ошади, аҳоли фаровонлиги яхшиланади ва иқтисодий ўсишга эришилади. Бу жараён давлат органлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг аниқ ва самарали фаолиятини таъминлашга ёрдам беради, шунингдек, ижтимоий сиёsatни молиялаштириш ва аҳолини қўллаб-куватлашда муҳим аҳамият касб этади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Тожибоев. Ш., Норов. А., Абдурахмонов. Қ. (2020). “Иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солиш.” – Тошкент: Олима.
2. Абдуллаева. Д. (2018). “Маҳаллий бюджетларини шакллантириш ва бошқаришда замонавий ёндашувлар” – Тошкент: «Иқтисодий ривожланиш».
3. Молия вазирлигининг методик қўлланмалари. (2019). Маҳаллий бюджет параметрларини ҳисоблаш ва прогноз қилиш тартиблари. – Тошкент: Молия вазирлиги.
4. Давлат статистика қўмитасининг таҳлилий материаллари. (2020). Ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларининг ривожланиш динамикаси. – Тошкент: Давлат статистика қўмитаси.
5. Халқаро Валюта Жамғармаси (IMF). (2018). Маҳаллий бюджетлаштириш ва стратегик ривожлантириш дастурлари бўйича халқаро тажриба. – Вашингтон: IMF.
6. Жаҳон Банки (WB). (2019). Маҳаллий ривожланиш стратегиялари ва бюджет бошқаруви. – Жаҳон банк.
7. UNDP (Тараққиёт дастури). (2020). Маҳаллий иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий дастурлар бўйича ҳисботлар. – Нью-Йорк: UNDP.
8. Қурбонова, Ш. (2021). Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегияларининг амалга оширилиши. – Тошкент: Қомус.
9. Алишерова. А. (2017). Давлат бюджетини бошқариш ва молиялаштириш тизими. – Тошкент: Оlam.
10. Мажидова, Н. (2020). Ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини молиялаштириш ва мониторинг қилиш. – Тошкент: Иқтисодий олам.